

**Н.И. Хасанхонова,
катта ўқитувчи, ГМИ**

ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ

Необходимость изучения формирования экономического мышления определяет актуальность темы. В статье изложена суть компонентов, которые влияют на формирование экономического мышления. При анализе компонентов экономического мышления были использованы совокупность психологических, педагогических и отдельно экономических компонентов обобщённых на единых методологических принципах.

Need to study the formation of economic thinking determines the relevance of the topic. The article describes the essence of the components that influence the formation of economic thinking. In analyzing the components of economic thought have been used a set of psychological, educational, and economic components separately generalized to common methodological principles.

Калитли сўзлар: *иқтисодий ривожланиш, иқтисодий тафаккур, иқтисодий одам, иқтисодий онг ва хулқ-атвор, иқтисодий фаолият, иқтисодий таълим – тарбия, иқтисодий маданият, илмийлик тамойили, изчиллик ва узлуксизлик тамойили, креативлик ва конструктивлик тамойили.*

Иқтисодий тафаккур мамлакатдаги ишлаб чиқариш жараёни, ижтимоий ўзгаришлар ва иқтисодий муносабатлар, уларнинг хусусиятлари асосида категория, қонунлар ва тушунчаларда ўз ифодасини топади.

Ҳар бир жамият ўзининг иқтисодий тафаккурни ушбу мамлакат иқтисодий аҳволдан келиб чиққан ҳолда ривожлантиради ва такомиллаштиради. Кичик жамият бошқа йирик жамиятлар ичида яшар экан, у ўз иқтисодиётини ҳам ички, ҳам ташқи тарафдан мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Жамият бу йўлда ўз иқтисодиётини қонунчилик билан ҳимоялашга, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларини рақобатбардош соҳаларга айлантиришга, халқ фаровонлигини таъминлашда ижтимоий ҳимоя сиёсатини олиб боришга, сиёсий, маданий, маънавий, иқтисодий соҳалардаги ислохотларни ўтказишга ҳамда хусусий мулк шаклини ривожлантиришга томон силжиб боради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида янги иқтисодий тафаккурни ишлаб чиқиш замоннинг асосий талаби бўлди. Мамлакатимиз раҳбари томонидан бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ислохотларнинг туб бурилиши бўлган “Ўзбек модели” ишлаб чиқилди. Албатта, бу модель узоқ ва меҳнат талаб қиладиган жараён сифатида майдонга чиқди. Шу орқали, умумиқтисодий ривожланиш жараёнида қуйидаги натижаларга эришилди:

Биринчидан, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, иқтисодий ислохотларнинг ибтидосида белгиланган мақсад, вазифалар, устувор йўналишлар, асосан, амалга оширилди. Мамлакатда иқтисодий, ижтимоий барқарорлик қарор топди.

Иккинчидан, ислохот йўлларида амалга оширилган ўзгаришларнинг ҳуқуқий норматив асослари яратилди. Қабул қилинган кодекс, қонун ва қарорлар ислохотларни амалга оширишнинг ишончли механизмлари ва уларнинг орқага қайтмаслиги кафолатига айланди ва амалдаги қонунларнинг такомиллаштириш механизмлари шаклланди.

Учинчидан, иқтисодий ислохотларнинг мақсадга мувофиқ тарзда амалга оширилиши ва чамалаб қурилган макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш натижасида макроиқтисодий ва молиявий вазиятни барқарорлаштиришга эришилди.

Тўртинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва институционал қайта ўзгаришлар соҳасида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Эришилган натижалар ҳозирги куннинг талабларига жавоб берди. Чунончи, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштиришда белгиланган натижалар қарор топаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондирди.

Бешинчидан, иқтисодиётда маълум таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Макроиқтисодиётдаги мураккаб вазият ва молиявий ресурсларнинг етишмовчилиги шароитида давлат тармоқлар ривожига жиддий ёрдам кўрсатди. Биринчи навбатда – нефть, газ саноати, рангли металлургия, автомобилсозлик, электроника, кимё ва нефть кимёси саноатида ривожланиш тезлашди, натижада 600 дан ортиқ маҳсулот турлари ўзлаштирилди.

Олитинчидан, Ўзбекистон Республикаси билан жаҳон иқтисодий тизими ўртасида интеграция жараёнлари ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишига айланди.

Шу ўринда айтишимиз мумкинки, бундай таркибий ўзгаришлар Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий тафаккурида янгича талқинда акс этди. Ўзаро иқтисодий муносабатлар, ҳамкорликлар, иқтисодий фаолликни янгилади. Ўзбек халқи иқтисодий тафаккурида таркибий ўзгаришлар кечди.

Иқтисодий тафаккур ва уни таркибий тузилиши ҳақидаги фикрларни ўрганар эканмиз, улар ичида Л.С. Бляхман ишлари алоҳида ўрин эгалайди. Л.С. Бляхман иқтисодий тафаккур “иқтисодий муносабатларнинг инсон онгида акс этиши, улар томонидан иқтисодий билимларни ўзлаштириш ва уларнинг онгида иқтисодий фаолиятда номоён бўлиши жараёни”[1] эканлигини эътиборга қаратар экан, иқтисодий тафаккурни таркибий тузилмасини қуйидаги уч асосий қисмларга ажратади:

- иқтисодий фаолият моҳиятини англаш;
- ижтимоий ишлаб чиқаришнинг акс этиши, турлари ва қонуниятлари тўғрисида умумлашган маълумотларни ўзлаштириш;
- назарий ғояларнинг амалий ҳаракатларга айланиши, иқтисодий тафаккурни фаолиятига татбиқ қилиш.

Келтирилган таркибий тузилмага асосланиб, қилинган тадқиқот натижасида иқтисодий тафаккурнинг таркибий қисмлари сифатида:

- иқтисодий одам;
- иқтисодий онг ва хулқ-атвор;
- иқтисодий фаолият;

- иқтисодий таълим - тарбия;
- иқтисодий маданият деб қабул қилинди.

Мазкур иқтисодий тафаккур қисмларининг уйғунлиги жамиятнинг нафақат иқтисодий аҳволига, балки ижтимоий тузилишига ҳам боғлиқ. Инсон туғилганидан бошлаб то умрининг охиригача бир қатор иқтисодий муносабатларни амалга оширади, турли фаолиятлар билан шуғулланади, буларни биз ўйин фаолияти, билим олиш ва меҳнат фаолиятига ажратишимиз мумкин. Мазкур фаолиятлар иқтисоддан ажралмаган ҳолда кечади, бола ўйин фаолияти билан жамиятдаги иқтисодий муносабатларни англайди, таълим муассаларида математика, она тили, адабиёт билан бир қаторда иқтисодий билим асослари билан танишади, меҳнат фаолияти эса ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, бир қатор корхоналар билан иқтисодий муносабатларга асосланган шартномалар тузиш, уларни амалдаги жараёни билан бирга кечади. Шу жараёни англаган буюк иқтисодчимиз А. Смит “иқтисодий одам концепцияси”ни шакллантирган.

Иқтисодий одам – танлов эркинлигига эга ва ўз мақсади, қизиқишлари ва эҳтиёжларига асосланиб, имкониятга қараб оптимал ва рационал қарор чиқара оладиган бозор иқтисодиётининг ижодий субъекти[2]. Бу таърифдан биз иқтисодий одамни фаолиятнинг ҳар қандай турида ўз иқтисодий хулқ атвори билан фаолият юритувчи шахсни англадик. Мазкур иқтисодий одам ўз иқтисодий онги ва хулқ атвори билан жамиятга хизмат қилади, фаолият юритади ва муносабатга киришади.

Иқтисодий онг ва хулқ-атвор инсонни маълум бир иқтисодий фаолият билан шуғулланишга сабабчи бўлади, бу фаолият кишиларни иқтисодий билим олишга, ва ниҳоят иқтисодий маданият асосида иш фаолиятини олишга ундайди. Жамият иқтисодий ривожланганда фақат иқтисод эмас балки, сиёсат, санъат, адабиёт, фан, маърифат, маданият, таълим уйғунликда ривожланади.

Иқтисодиёт ҳамда психология фанларининг уйғунлашувидан пайдо бўлган иқтисодий психологиянинг предмети хўжалик муносабатларининг инсон хулқи ва билимларида намоён бўлишини ўрганади. Яъни у иқтисодий муносабатлар тизимида инсон ахлоқи натижалари ва жараёнларнинг иқтисодий фаолият механизми, шахс тафаккурига алоқадор меъёрлар, иқтисодни юксалтиришдаги қабул қилинадиган қарорлар, муаммолар ечимидаги ижтимоий фикрнинг ўрни каби омилларни хўжаликни бошқариш тажрибасига таяниб ўрганади.

Иқтисодий психологиянинг категорияларидан бири бўлган иқтисодий хулқни А. Крилов қуйидагича илмий асослаган. Унинг таъкидлашича, “Иқтисодий хулқ – иқтисодий таъсиротга жавоб берувчи хулқдир”[3].

Шундай қилиб, А. Криловнинг таърифича, иқтисодий психология – кенг маънода хўжаликни бошқарувчи субъект психологиясидир[3].

В. Каримованинг фикрича, иқтисодий онг маҳсули бўлган иқтисодий тафаккур – хўжалик муносабатларига киришган субъектларнинг иқтисодий муносабатларга оид тасаввурлари, билимлари, ғоялари ҳамда қарашларини онгдаги акси бўлиб, у амалга оширилаётган фаолиятнинг моҳиятини таҳлил қилиш, умумлаштириш, таққослаш ва хулосалар чиқариш имконини беради[4]. В. Каримова ва Ф. Акрамоваларнинг ёзишича, иқтисодий хулқ – ишлаб

чиқариш шарт-шароитлари, воситалари ва турткилари таъсирида намоён бўладиган хатти-ҳаракат ва хулқ-атвордир.

А.Крилов фикрича, иқтисодий онг ўз қарашлари, мақсадлари, дунёқарашига эга бўлган инсон онгида бевосита ишлаб чиқариш, ўзлаштириш ва фойда олишга алоқадор объектларнинг акс этишидир. Яъни иқтисодий онг мавжуд бўлгани учун ҳам биз моддий, маънавий эҳтиёжларимизга алоқадор бўлган неъматларни топиш, кўпайтириш йўллари ҳамда жамиятда ўз меҳнатимиз билан моддий ишлаб чиқаришга улуш кўшишга оид билим, тасаввур ва ҳиссиётларга эга бўлишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодий онг деганда, аввало, иқтисодий муносабатлардан келиб чиқадиган эмоциялар, ҳис-кечинмалар, уларнинг турли жиҳатларини тушунишга тааллуқли истиқболли идрок элементлари, иқтисодий тасаввур ва тафаккурнинг натижаси бўлмиш билимлар, тушунчалар, ғоялар, кўникма ҳамда малакаларнинг ақл-фаросатга тегишли хусусиятларини тушуниш мумкин. Демак, иқтисодий онг мураккаб психологик тузилма бўлиб, у бевосита иқтисодий вазиятлар ва шарт-шароитларнинг шахс онги, дунёқараш ва мотивларига таъсирдан ҳосил бўлади. Танловнинг натижаси эса, фойда ва йўқотишлар ҳисобланиб, сарфланган (куч, вақт, қобилият, пул) ва олинган натижалар (ишланган ҳақ, фойда) таққосланади. Оддий кўрингани билан, бу иқтисодий жараёнлар қийин, сирли ва ўзига хос илмий изланишни талаб этади.

Бугун ҳаммага маълумки, кишилар яшашлари, сиёсат, санъат, адабиёт, фан, маърифат, маданият, таълим билан шуғулланишлари учун ҳаётини неъматларни истеъмол қилишлари, кийинишлари ва турли хил хизматлардан баҳраманд бўлишлари керак. Бунинг учун эса озик - овқат, кийим - кечак, уй - жой ва турли хизматлардан иборат ҳаётини воситалар зарур.

Кишилар бундай ҳаётини воситаларга эга бўлиши учун турли соҳаларда фаолият кўрсатади. Инсоннинг бу турли фаолиятлари ичида энг асосийси, уларнинг яшаши ва камол топишини таъминлайдиган моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишдан иборат бўлган иқтисодий фаолиятдир.


Кишиларнинг яшаши, камол топиши учун зарур бўлган ҳаётини воситаларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришга қаратилган, бир-бири билан боғлиқликда амал қиладиган турли-туман фаолиятлар яхлит қилиб, иқтисодий фаолият[5] деб аталади.

Иқтисодий фаолиятга нисбатан берилган таърифлар бир қатор иқтисодий адабиётларда учрайди. Бу адабиётларда иқтисодий фаолият товарлар, хизматлар ва ресурсларнинг ҳаракати бўйича такрор ишлаб чиқариш - ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнлари бирлиги жамият эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи хўжалик тизимлари сифатида таърифланади.

Ҳозирги вақтда жаҳон адабиётларида эътироф этилишича иқтисодий институтлар ўрганишга катта аҳамият берилмоқда, зеро иқтисодиёт муайян даражада жамиятнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказади. Иқтисодий фаолият Тейлор таъкидлагани каби барча соҳаларга нисбатан устувор бўлмаса ҳам, бироқ ҳар қандай жамиятда ҳам ўз аҳамияти сезиларлидир[6].

Бозор иқтисодиёти қонунларини, уларнинг Ўзбекистонда қандай амалга оширилаётгани, бу қонунларни иқтисодий фаолиятга татбиғи, товар ишлаб чиқаришни йўлга қуйишнинг сир асорлари билиш ҳар бир шахснинг вазифасидир. Иқтисодий тарбия натижасида таълим олувчиларда меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, удабуронлик, иқтисодий ҳисоб китоб юритиш кўникмаларини камол топтириш назарда тутилади. Иқтисодий тарбия мазмуни Шарқ мутафаккирлари томонидан мунтазам равишда бойитиб келинган. Абу Наср Фаробий “Бахт саодатга эришув ҳақида”га асарида “инсон ўз маблағини тўғри сарфлашни билиши керак”, “пул сафлашда қизғанчиқлик қилиш хасисликка олиб келади. Пулларни режасиз ишлатиш эса инсонни бебошликка етаклайди”, деган ғояларни илгари суради. Иқтисодий тарбия – ижтимоий тарбиянинг бир тури бўлиб, иқтисодий малака ва кўникмаларни эгаллашнинг мазмуни, усули ва ташкил этилиши масалаларини ўрганади. Иқтисодий тарбия иқтисодий билим ва иқтисодий саводхонлик асосида кечади. Иқтисодий билим – ишлаб чиқариш жараёнининг моҳияти ҳамда иқтисодий муносабатлар мазмунини ёритувчи асосий маълумотлар мажмуи. Иқтисодий саводхонлик – ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти, иқтисодиёт, иқтисодий муносабатлар борасидаги бошланғич маълумотларга эга бўлиш[7].

Иқтисодий таълим – тарбия жараёни шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун, яъни иқтисодий малака ва кўникмаларни эгаллаши учун уюштирилади ва тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имкониятини беради. Иқтисодий таълим жараёнида таълим олувчининг онги (таълим жараёнида), ҳиссиёти (дарсда ва синфдан ташқари ишларда), иродаси (фаолиятни уюштириш, хулқни идора қилиш жараёнида)га мунтазам таъсир этилади. Иқтисодий таълим-тарбияни қуйида келтирилган чизма орқали ифодалаймиз (1-расм)



1-расм. Иқтисодий таълим-тарбиянинг ифодаланиши

Манба: Б.Б. Собиров. Ўқувчиларда иқтисодий тушунчаларни шакллантиришда инновацион усуллардан фойдаланиш. Педагогика фанлари номзодини олиш учун диссертация. Т. 2004. 22 – 23 б.

Иқтисодий тарбия – ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий – иқтисодий билимларга таянган ҳолда уларда муайян сифат (тежамкорлик, тадбиркорлик, оқиллик, удабуронлик, коммуникативлик, вазиятни тўғри баҳолай олиш, меҳнатсеварлик, ишчанлик ҳамда бошқалар) ҳамда иқтисодий

фаолият кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён[7]. Иқтисодий таълимни ташкил этишдан асосий мақсад таълим олувчиларни иқтисодий фаолият субъекти сифатида иқтисодий кўникмаларни ошириш ва келажак малакаларини шакллантиришдан иборат. Бунинг учун: “иқтисодий фаолият тизимини ўрганиш, ундаги ўзининг ўрнини ҳис этиш, замонавий иқтисодий хулқ атвор нормаларини, иқтисодий маданиятни эгаллаш, замонавий иқтисодий фикрлашни шакллантириш, меҳнат воситаларига ва натижаларига тежамкорлик муносабатларини тарбиялашдан иборат”[8].

Таълим олувчилар томонидан иқтисодий билимларни пухта ўзлаштириш ва уларни амалий фаолиятда қўллаш олиш иқтисодий маданиятнинг шаклланиши ва мустақамланишини таъминлайди. “Мустақиллик изоҳли оммабоп луғат”да иқтисодий маданият жамият аъзоларининг иқтисодий ҳаётида: 1) оммавий ижодий иштироки; 2) уларининг иқтисодий билимлари; 3) хўжалик юритишдаги маҳорати ва малакаси; 4) иқтисодий фикрлари ва тафаккури кўрсаткичларининг мажмуи эканлиги кўрсатилган. Бизнинг назаримизда, иқтисодий маданият юқорида қайд этилганидек, алоҳида акс этмайди. Балки кўрсатилган ҳолатларнинг ўзаро муштараклиги шахс иқтисодий маданиятини ифодалашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан “иқтисодий маданият”[7] тушунчасини шахс томонидан назарий ва амалий иқтисодий билимларни ўзлаштиришнинг энг юқори даражаси дея таърифлаш мумкин.

Иқтисодий фаолият албатта жамиятда шаклланиган ва такомиллашиб бораётган иқтисодий маданиятга таянади. Иқтисодий маданият бу хўжалик фаолиятини фаолияти ва қимматликлар тизими, хусусий мулк шаклига ва иқтисодий муваффақиятга нисбатан ҳурмат, тадбиркорлик соҳасидаги ижтимоий муҳитнинг ривожланиши ва унга нисбатан барқарор муносабатни ташкилланишидир[9].

Мазкур иқтисодий тафаккурнинг таркибий қисмлари:

- илмийлик тамойилига;
- изчиллик ва узлуксизлик тамойилига;
- креативлик ва конструктивлик тамойилига таянади.

Жамиятда маълум даврларда кўплаб қондирилмаган эҳтиёжлар бўлади. Вақт ўтиши билан янги буюмлар пайдо бўлиши, кенг реклама таъсири ва савдони рағбатлантирилиши натижасида эҳтиёжлар ўзгаради ва кўпайиб боради. Шахсни жамиятнинг, яъни уни ташкил қилувчи маҳалла, оила, давлат эҳтиёжларининг чексизлиги, уларнинг тўхтовсиз янгиланиб, ўсиб бориши илмийлик тамойили асосида шакллантирилади ва такомиллаштириб борилади.

Иқтисодий ҳаёт синовларини билиш ва шу йўлдаги фаолият илмийлик тамойилини асосий йўналишларини аниқлашга интилиш жуда қадим замонлардан мавжуд бўлиб, бу интилиш иқтисодий фаолиятни иқтисодий қонун ва категориялар билан тартибга солиш, уни кишиларга керак бўлган томонга йўналтиради.

Меҳнат фаолиятининг амалий натижалари, ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан янгиланиши, турли соҳаларда инновациялар, янги маҳсулот турларининг пайдо бўлиши билан янги эҳтиёжларнинг юзага келиши, одамлар ҳаёт фаровонлигига қаратилган турли техник воситаларни яратилиши – бу

ҳаммаси илм ривожланиш даражасининг янги поғоналарини кўрсатмоқда. Илмий ва инновацион бизнес режаларининг пайдо бўлиши, йирик акционерлик компанияларнинг шаклланиши жамиятда замонавий шароитлар вужудга келганлигини англатади. Шу ўринда айтиш керакки, илмий соҳада бир қатор муаммолар учрамоқда, булар жаҳон бозорига чиқишда ривожланган мамлакатлар инновацион янгиликлар билан чиқса, ривожланаётган мамлакатлар ўз хомашёси билан чиқиши бу давлатларнинг илмий ривожланиши сустлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун мазкур мамлакатларда илмий салоҳиятни оширишга қаратилган инвестициялар аҳамияти, трансмиллий корпорациялар ва инжиниринг корхоналарининг фаолияти айниқса ўринлидир.

Албатта, илмий институтлар фаолиятини такомиллашуви изчиллик ва узвийлик асосида кечади. Изчиллик қуйидагиларда номоён бўлади:

- илмий ишларни олиб боришда;
- инновацион технологияларни жорий қилишда;
- кадрлар тайёрлаш жараёнида;
- меҳнат фаолиятида.

Иқтисодий тафаккур ҳар қандай жамиятда илмий ишларни олиб боришда бир неча даражада кечади. Булар; бирламчи, тармоқли ва умумдавлат даражаларида. Илмий изланиш олиб бораётган иқтисодий институтлар ишлаб чиқариш ёки бошқа тармоқларда иқтисодий фаровонликка қаратилган ишларни олиб боришда аввал бирламчи, яъни бирор тажжриба асосида янги махсулот яратади, кейин тармоқли ва умумдавлат даражаларида уларни кенг ёйдилар.

Инновацион технологиялар жорий қилиш бугунги куннинг асосий талаби ва туртки бўлувчи омилдир. Чунки ҳозирги ахборотлашган жамиятда изчиллик асосида янгиликлар жорий қилинмаса бир корхона иккинчи корхонадан ривожланиш даражаси билан орқада қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун доимий тарзда инновацион технологиялар жаҳон бозорига тақдим этилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг изчиллиги доимий равишда маълум бир вақт жадвали асосида, касбий фаолиятга тайёрлашдан иборатдир. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимида изчиллик узвийлик билан бир қаторда олиб борилади.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларнинг изчиллиги асосида таъминланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хослиги мустақил равишда тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларига изчил ўтилишни таъминлайди.

Меҳнат фаолиятида изчиллик янги технологияларни ўзлаштиришда ва шу билан меҳнат қилувчи ходимларнинг малакасини оширишда узлуксизлик билан бирга кечади. Бошқа ресурслар каби, меҳнат ресурслари ҳам такрор ҳосил қилиб турилиши керак, буни тор ва кенг маънода қараш мумкин.

Ишчи кучини тор маънода такрор ҳосил қилиш инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини узлуксиз кенгайтирилган тарзда тиклаб туриш, уларнинг

меҳнат малакасини, умумий билими, касбий тайёргарлик даражасини янгилаб ва ўстириб бориш ҳамда ишчи авлодини тайёрлаш кабиларни ўз ичига оладиган жараёнدير.

Кенг маънода ишчи кучини такрор ҳосил қилиш эса қуйидагиларни англатади:

- аҳолининг табиий ҳаракати, табиий ўсишнинг умумий шарт-шароитлари яратиш;

- ходимларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш ва бўшатиш;

- меҳнат ресурсларини тармоқлар, соҳалар ва ҳудудлар ўртасида тақсимлаш ҳамда қайта тақсимлаш;

- аҳолининг ижтимоий, маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондириб бориш;

- ишчи кучини тўлиқ ва самарали бандлигини таъминлаш.

Креативлик ва конструктивлик тамойили иқтисодий тафаккур қисмларини уйғунлигини таъминлашда ижодкорлик ва бир тизимга солинганлик асосида амалга ошади. Бу тамойиллар технологик янгилашниларга сабабчи бўлади, инсоннинг иқтисодий ҳаёт жараёнини яхшилашга хизмат қилади.

Юқоридагиларни таҳлил қилган ҳолатда қуйидаги таклифларни берамиз:

- иқтисодий муносабатларни амалга оширишда қонунчиликни энгиллаштириш;

- жаҳон иқтисодий муносабатларни амалга оширишда қонунларимиздаги камчиликларни бартараф этиш;

- “иқтисодий одам” тамойилини ривожлантириш, бунда инсон омилига боғлиқ қонуниятларни такомиллаштириш.

Хулоса қилсак, Ўзбекистон иқтисодиёти кадамба-кадам ривожланишда экан, иқтисодий тафаккурни таркибий қисмлари ҳам такомиллашиб боради. Ислоҳот, унинг асоси бўлган инсон омили ва унга нисбатан эътибор доим биринчи ўринда туради. Шу ўринда юқоридаги тамойилларни такомиллаштириш ҳар бир давлатнинг бош мақсади бўлиб қолиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бляхман Л.С. Перестройка экономического мышления. – М.: Политиздат. 1990.

2. Г.М.Гукасян. Экономика от “А” до “Я”. Тематический справочник. М. 2010.

3. Психология. Учебник под редакцией А.А.Крилов. – М. : “Проспект”, 1998, стр-547-549.

4. Каримова В.М. Акрамова Ф.А. Иқтисодий психология. Маърузалар матни.Т.: - “Shams-ASA ” МСНҗ босмаҳонаси, 2002. – б. 61

5. Т.Жўраев, Д.Тожибоева, Б.Рустамов, Ж.Жабборова, З.Аллаберганов, Д.Бабабекова. Иқтисодиёт назарияси. Маърузалар матни. Т., 2010й., 10 б.

6. Б.Б. Собиров. Ўқувчиларда иқтисодий тушунчаларни шакллантиришда инновацион усуллардан фойдаланиш. Педагогика фанлари номзодини олиш учун диссертация. Т. 2004, 5 б.

7. Эшмуродова Г.Х. Ўқувчиларни иқтисодий билимларни ривожлантириш мазмуни (8-9 синфлар мисолида. П.ф.н. олиш учун ёзилган диссертация. 2009, 21 б.

8. Иқтисодиётдан қисқача луғат. Ш.Шодмонов таҳрири остида. Тузувчилар: А.Хасанов, С.Мирзахўжаев. Т.:Ўқитувчи, 1998, 47 б.

9. М.И.Коравлёв. Экономика риски защита. Словарь справочник. М.2008, стр. 771.